

(1867-йил, Бухоро - 1937-йил 25-октабр, Тошкент)

Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан бири, давлат ва жамоат арбоби. Бухорода мадраса тахсилени олган. 1905-йилдан Бухородаги жадидчилик ва Ёш бухороликлар сафида Янги усул мактаблари очиш ва жадид газеталари чикариш, кўплаб кироатхона ва кутубхоналар ташкил этишда фаол катнашган. 1918-йилмартдан Самарканд, Шахрисабз, Карши, Бухорода амирлик тузумига қарши курашда иштирок этган.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилгач, Хатирчи ва Кармана вилоятлари инкилобий кўмитаси раиси (1920-21), БХСР дехкончилик нозири ва нозир ўринбосари (1921), Бухоро марказий касабалар иттифоқи раиси (1922), БХСР Марказий Ижроия Комитети раиси (1922-йил август - 1924-йил ноябр). 1925-йилдан Бухоро шаҳри ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, Бухоро округида ер ислохоти бўйича комиссия раиси, 1929-йилдан Тошкентда яшаган, БХСРнинг раҳбар арбоблари билан биргаликда миллатчиликда айбланиб, 1937-йил 14-октябрда отишга ҳукм қилинган, 1962-йил 26 ноябрда оқланган.